

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.04.2022.TIB.93.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ЎКТАМ НАИМ ЎҒЛИ

**БЕЛ-ДУМҒАЗА УМУРТҚА ЧУРРАЛАРИДА ОПЕРАЦИЯДАН
ОЛДИНГИ ВА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВОЛАШДА
НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАР ДИНАМИКАСИ**

14.00.13 - Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бозоров Ўктам Наим ўғли

Бел-думгаза умуртқа чурраларида операциядан олдинги ва операциядан кейинги даволашда неврологик бузилишлар динамикаси..... 3

Бозоров Ўктам Наим ўғли

Динамика неврологических расстройств при предоперационном и послеоперационном лечении грыж пояснично-крестцового отдела позвоночника..... 23

Bozorov Uktam Naim ugli

Dynamics of neurological disorders in preoperative and postoperative treatment of hernias of the lumbosacral spine..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.04.2022.TIB.93.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ЎКТАМ НАИМ ЎҒЛИ

**БЕЛ-ДУМҒАЗА УМУРТҚА ЧУРРАЛАРИДА ОПЕРАЦИЯДАН
ОЛДИНГИ ВА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВОЛАШДА
НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАР ДИНАМИКАСИ**

14.00.13 - Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Tib2467 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Киличев Ибодулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Омонова Умида Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси
(Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/30.04.2022.Tib.93.02. Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: www/bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: www/bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.И.Тўқсанова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Н. Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, DSc, доцент

Г. А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш асосидаги семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг маълумоти бўйича дунё бўйича диск чуррасининг учраш даражаси 2% ни ташкил этади. Умуртқа поғонаси диск чурралари орасида энг кўп учрайдигани бу бел умуртқалари диск чурасидир (дунё бўйича ҳар 100 000 аҳолига 150 та ҳолат тўғри келади, Ўзбекистонда эса ҳар 100 000 аҳолига 14 та ҳолат тўғри келади). 48% ҳолатларда чурралар L5-S1 соҳасида, 46% ҳолларда L4-L5 соҳасида учрайди, фақатгина 6% ҳолатдагина умуртқа поғонасининг бошқа соҳаларидаги диск чурраларига тўғри келади. Тадқиқотчиларнинг кўрсатган маълумотлари бўйича «...умуртқа поғонаси диск чурраларининг турли даражадаги зарарланишлари ҳозирги кунда инсонларда кузатилаётган сурункали касалликлари орасида йиллар давомида ортиб бораётгани кузатилмоқда...»¹. Шунинг учун аҳолини турли қатламлари орасида умуртқа поғонаси чурраларини эрта ташхислаш ва самарали даволашни йўлга қўйиш, жарроҳлик амалиётидан сўнг ҳам ташхислаш ва даволаш тизимини мукаммаллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда дискоген радикуляр синдромларни жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича олинган натижалар касалликнинг қайталаниш эҳтимолини истисно қилмайди, чунки невровакуляр тўпламнинг декомпрессияси касалликнинг жуда муҳим патогенетик механизми бўлса ҳам, у фақат механик сиқилиш омилини бартараф қилади, аммо жараёнга жалб қилинган бир қатор функционал тизимларда патологик силжишларни бартараф этмайди; шунинг учун ноқулай шароитларда уни фаоллаштиришнинг реал имкониятлари мавжуддир. Шунинг учун ҳам операциядан кейинги даволашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Операциядан кейин сақланиб қоладиган неврологик ўзгаришларни ташхислашни ва бериладиган даво усулларини мукамаллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда асаб касалликларни барвақт аниқлаш, сифатли ташхис қўйиш ва даволаш бўйича комплекс кенг қўламли дастурлар амалга оширилаётгани, хусусан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бирибўлиб ҳисобланади.«...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган.

¹Fjeld OR, Grøvle L, Helgeland J, Småstuen MC, Solberg TK, Zwart JA, Grotle M. Complications, reoperations, readmissions, and length of hospital stay in 34 639 surgical cases of lumbar disc herniation. Bone Joint J. 2019 Apr;101-B(4):470-477.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124–сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ -215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда диск чурраларини оператив ва консерватив даволаш бўйича турли даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кўпгина олимлар тадқиқотларининг натижаларига кўра, жарроҳликдан сўнг ривожланаётган жараёнлар, шунингдек ортопедик ва яллиғланиш асоратлари жарроҳлик даволаш самарадорлигини пасайтиради (Sebastian Ruetten, 2018, Mustafa I., Al Qaraghli, 2023) ва сурункали оғриқ синдромининг шаклланишига ёрдам беради, тикланиш жараёнларини эса қийинлаштиради (Dower A, Chatterji R, Swart A, Winder MJ, 2016).

Бошқа олимлар ўзларининг тадқиқотларида бел умуртқалари диск чурраларини эндоскопик интерламинар ва трансфораминал дискэктомия операциясидан кейинги кузатиладиган неврологик ўзгаришларни текширганлар (Габечия Г.В., 2019). Ўз навбатида Горнаева Л.С., Румянцева Г.Н. (2020) лар бел-дугаза умуртқаларидаги диск чурраларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ўзига хос хусусиятлари хақида тухталиб ўтганлар. Бир қатор муаллифлар ўзларининг илмий ишларида бел-думғаза умуртқалари диск чурраларини операциядан кейинги асоратларини, чурраларнинг қайталанишнинг хавф омилларини чуқур ўргандилар, даволаш ва реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар (О. Н. Древаль, А. В. Кузнецов, 2021).

Мамлакатимизда қатор етакчи олимлар томонидан бел-думғаза диск чурраларини оператив даволаш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар кўпгина олимлар томонидан олиб борилган ва уларнинг изланишларида диск чурраларининг локализацияси, умуртқа поғонаси диск протрузияси ва чуррасининг патоморфологик тавсифи алоҳида таҳлил қилинган (Махкамов Н.Ж., 2021). Бундан ташқари, олимлар ўз илмий ишларида нафақат люмбосакрал даражали, балки бошқа даражадаги диск чурраларини ҳам оператив даволашнинг замонавий жиҳатларини чуқур ўргандилар ҳамда ўсмирлар ва болалардаги умуртқа поғонасининг узига хос хусусиятларини ўрганиб чиқдилар (Ширинов Ж.Н., 2021).

Бугунги кунда олиб борилган илмий тадқиқотлар организмнинг патогенетик ва саногенетик реакцияларининг мураккаблиги, шунингдек,

жарроҳлик йўли билан даволанишга муҳтож бўлган беморларда люмбосакрал локализацияли интервертебрал диск чурралари бўлган беморларда неврологик кўринишларнинг полиморфизми, ушбу тоифадаги беморларни даволашга комплекс ёндашувни таклиф қилади. Қатор илмий изланишлар орасида операциядан олдинги тайёргарлик, операциядан кейин мумкин бўлган асоратларни олдини олиш, шунингдек операциядан олдинги ва кейинги неврологик бузилишларнинг динамикаси тўғрисида аниқ маълумотлар аниқланмади. Бу эса касалликларни даволашда махсус мезонларни ишлаб чиқиш, уларнинг даволашдаги ўрнини исботлаш ва уни чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (06.2022 PhD 147) “Covid 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: бел-думғаза умуртқалари диск чурраларини даволашда операциядан олдинги ва кейинги даврда неврологик бузилишлар динамикасини ўрганиш ва уларни бартараф этиш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда турли кузатув даврда оператив даволашдан олдин ва кейинги клиник-неврологик ва беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш хусусиятларини ўрганиш;

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда оператив даволашдан олдин ва кейинги нейровизуал ва нейрофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда операциядан олдинги ва кейинги даврда психо-эмоционал бузилишларнинг динамикаси баҳолаш;

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларни операциядан кейинги даврда қиёсий даволаш усулини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти: Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимида стационар шароитда даволанган 150 нафар операциядан олдин ва операциядан кейинги беморлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган операциядан олдинги ва кейинги беморлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуалогик, нейрофизиологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда операциядан олдинги ва кейинги эрта ва кечки даврда неврологик бузилишларнинг динамикаси ўрганилиб, даволаш усуллари таъсири қиёсий баҳоланган;

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда операциядан олдин ва операциядан кейинги даволаш пайтида психо-эмоционал бузилишлар динамикасининг оғирлик даражалари илк маротаба таҳлили қилиниб илмий асосланган;

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси операциядан кейинги даврда беморларда неврологик касалликлар динамикаси ва интервертебрал диск чуррасининг нейровизуал хусусиятлари ўртасидаги ижобий прогрессив корреляцион боғлиқлик аниқланган;

операциядан кейинги даврда клиник-неврологик, психо-эмоционал ва электронейромиографик (ЭНМГ) текширув натижаларига асосланган янги комплекс даволаш усуллари (Нейро В12 билан паравертебрал блокада, квант терапия ва антидепрессант дори воситаси) ни самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бел-думғаза умуртқалари диск чурраси бўлган беморларда операциядан олдинги ва операциядан кейинги неврологик бузилишларнинг динамикаси таҳлили қилиниб, эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

мавжуд бўлган ташхислаш дастурлари асосида невролог ва умумий амалиёт шифокорлари учун бел-думғаза умуртқалари диск чурралари бўлган беморларнинг операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврда дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

бел-думғаза умуртқалари диск чуррасини операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврдаги тикланишнинг ривожланиш эҳтимоллигини эрта ташхислаш имконини берувчи комплекс нейрофизиологик ва нейровизуал текширув усуллари стационар ва амбулатор шароитга фойдаланиш учун таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бел-думғаза умуртқалари диск чурраларида операциядан олдинги ва кейинги даврда неврологик бузилишлар динамикасининг хусусиятлари тикланишнинг ривожланиш эҳтимоллигини эрта ташхислаш имконини беради, тавсия этилаётган комплекс клиник-неврологик, нейрофизиологик ва нейровизуал текширув усуллари назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларни жарроҳлик усули ёрдамида даволашни тадбиқ этиш ёки рад этиш, бел-думғаза умуртқалари диск чураларида неврологик бузилишлар динамикасига алоҳида

эътибор қилиш, ишлаб чиқилган махсус мезонлар ёрдамида оператив даволашга кўрсатмаларни аниқлаб олиш ва солиштириш, шунингдек даволаш чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат. Бел-думғаза умуртқалари диск чурраларини даволашда амалиётда ишлаётган неврологларга операциядан олдин ва кейинги неврологик бузилишларнинг динамикасини махсус мезонлар ёрдамида баҳолаш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бел-думғаза умуртқалари диск чурраларини даволашда операциядан олдинги ва кейинги даврда неврологик бузилишларни динамикаси баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга тадбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган:

Бел-думғаза умуртқалари диск чуррасини операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврдаги неврологик бузилишларнинг оғирлик даражасини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Бел-думғаза умуртқа чурраларида операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврда неврологик ўзгаришларни замонавий шкалалар билан баҳолаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт Кенгашининг 2023 йил 9 июндаги №23-т/045 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаси ташхисотни такомиллаштириш, даволаш муддатини қисқартириш ва диск чурраси операциясидан кейинги асоратларни олдини олишга имкон берган;

Бел-думғаза умуртқалари диск чуррасини операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврдаги неврологик бузилишлар ва уларга комплекс муолажалар таъсири бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Вобкент ва Пешку туман тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган. (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт Кенгашининг 2023 йил 15-августдаги 23-х/042-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиши диск чуррасини операциядан олдинги ва операциядан кейинги неврологик ўзгаришларни ташхислаш, даволаш давомийлигини қисқартириш, асоратлар сонини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшиланишга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ҳамда технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бел-думғаза умурткалари диск чурраларининг этиологияси. Патогенези. Клиник кўринишлари. Диагностикаси ва касалликни эрта аниқлашнинг замонавий жихатлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи бобида мавзу бўйича сўнгги йиллардаги тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Мазкур боб бешта параграфдан иборат бўлиб, асаб тизими вертеброген касалликларининг этиологияси, бел-думғаза соҳаси диск чурраларининг клиник кўриниши, бел-думғаза диск чуррасини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ва операциядан кейинги кузатиладиган асоратлар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, шунингдек, муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ушбу илмий ишда тадқиқот материали 22 ёшдан 68 ёшгача бўлган L₃-L₄, L₄-L₅ ва L₅-S₁ даражасида люмбосакрал радикулопатия кучайган 150 беморнинг клиник, нейровизуал ва нейрофизиологик текширув маълумотларидан иборат бўлган. Уларнинг 53 нафари (35,3%) эркаклар ва 97 (64,7%) аёллар эди. 150 та беморни жарроҳлик усулидан кейин қайта неврологик, нейрофизиологик ва нейровизуализацион текширувлардан ўтказилгани. 150 та бемордан 48 (32%) тасига барча неврологик текширувлар меъёрий курсаткичларни намоён қилган. Шунинг учун ушбу беморлар кейинги текширув босқичидан четлатилган ва қолган 102 (68%) та беморда юқорида санаб ўтилган текширувлар салбий натижаларни кўрсатганлиги учун ушбу беморларда тадқиқот жараёни давом эттирилган. 102 та бемордан эркак 38 та (37,2%) ва аёллар 64 та (62,8%) ни ташкил қилган. Неврологик ва функционал ҳолатни баҳолаш операциядан олдин ва операциядан 3, 6 ва 12 ой ўтгач амалга оширилган. Юқоридаги мезонларнинг ҳар бири учун турли тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда баҳолаш ўтказилди. Тавсия этилаётган даво чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш учун операциядан кейинги 102 та беморлар 2 та гуруҳга, яъни асосий ва киёсий гуруҳларга ажратилди. Асосий гуруҳни 69 та (67,6%) бемор ташкил қилиб, ушбу беморларга стандарт давога қушимча антидепрессантлар, квант-терапия ва Нейро В12 препарати билан паравертебрал блокада муолажаси


ўтказилди. Киёсий гуруҳдаги 33 та (32,4%) беморларга факатгина стандарт даволаш усуллари ўтказилди.

Кузатувдаги барча беморларнинг операциядан олдин ва операциядан кейин неврологик ҳолатини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш қуйидаги шкалалар бўйича ўтказилди: оғриқни баҳолаш учун ВАШ шкаласи, ҳаёт сифатини баҳолаш учун Oswestry ногиронлик индекси, психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш учун HADS шкаласи. Нейфизиологик усуллардан электронейромиография (ЭНМГ) ва нейровизуал усулдан магнит-резонанс томография (МРТ) ўтказилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2016) ва АНОВА дастурлари ёрдамида компьютерда статистик қайта ишланди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди.


Диссертациянинг **“Бел-думғаза умуртқа чурраларида операциядан олдинги ва кейинги даволашда неврологик бузилишлар динамикасини ўрганиш натижалари”** деб номланган учинчи бобда тадқиқотнинг ушбу қисмида бел-думғаза умуртқа поғонасининг чуррала интервертебрал дискларини олиб ташлашдан олдин ва кейин беморларда неврологик бузилишлар динамикаси чуқур таҳлил қилинган. Операциядан олдинги даврда барча 150 та беморлар ВАШ шкаласи бўйича текширилган. Текширувдан ўтказилган беморларда ҳаракатда, ўтирганда ва тик турганда оғриқ кучи баҳоланган. Беморларда оғриқ кучи ҳаракатланганда ўртача 7,8 баллни, тик турганда ўртача 6,5 балл ва ўтирганда эса ўртача 7,6 баллни ташкил қилган. Операциядан 3 ойдан кейин эса 48 та (32%) беморда ВАШ шкаласи бўйича ҳаракатда ўртача 2,2 баллни, тик турганда 1,9 баллни ва ўтирганда эса ўртача 2,1 баллни ташкил қилган ($P < 0,01$). Қолган 102 та беморда эса кўрсаткичлар деярли ўзгаришсиз қолган, яъни уларда ҳаракатда 6,4 балл, тик турганда 6,2 балл ва ўтирганда ўртача 6,6 балл билан баҳоланган.

Жами 150 та беморлар орасида операциядан кейин 48 та (32%) беморда ижобий натижа кузатилди, чунки бу беморларда диск чуррасининг сони 1 та, консерватив давога қарамасдан, кучли оғриқ 10 кундан ошмаган ва операция қўлами кичик бўлиб, уларда интерламинар турда жаррохлик амалиёти ўтказилган. Шунинг учун ушбу беморларда деярли барча неврологик бузилишлар 3 ой кузатуvidан кейин тикланганлиги аниқланди. Аммо қолган 102 та (68%) беморларда диск чуррасининг сони кўплиги, операция қўламининг катталиги, диск чурраси ўлчамининг 10 ммдан катталиги, консерватив давога қарамасдан, оғриқ интенсивлигининг кучлилиги, неврологик ўзгаришлар, яъни енгил парез, анестезия ва гипестезиянинг турғунлиги, умуртқа канали стеноз даражасининг катталиги туфайли операциядан кейинги 3 ойдан сўнг ҳам неврологик ўзгаришлар сақланган (1-расм).




1-расм. Операциядан олдин ва операциядан 3 ойдан кейин бел оғриғининг VAS шкаласи бўйича балларидаги ўзгаришлари.

Oswestry ногиронлик индексини (ОНИ) аниқлашда 10 та булимдаги курсаткичларини 150 та беморда операциядан олдинги даврда аниқланган. ОНИ бўйича операциядан олдинги даврда текширганимизда оғрик интенсивлиги -4.8 баллни, ўзига хизмат кўрсатиш-4.1 баллни, юк кўтара олиш-4.3 баллни, юриш-4.2 балл, ўтириш ҳолатида- -3.5 балл, туриш ҳолатида-4.4 балл, уйку-4.6 баллни, жинсий ҳаёт-3.8 балл, ижтимоий ҳаёт-3.4 балл ва кўчишда-4.2 баллни ташкил этди. Юқорида кўришиб турибдики оғрик интенсивлиги энг юқори баллни ташкил килди (2-расм).




2-расм. Операциядан олдин даврда Oswestry ногиронлик индекси (балларда)

Операциядан 3 ойдан кейинги даврда эса 48 та (32%) беморда Oswestry ногиронлик индекси нормал кўрсаткичларни ташкил этиб, оғрик интенсивлиги -2.1 баллни, ўзига хизмат кўрсатиш-1.9 баллни, юк кўтара олиш-2.3 баллни, юриш-1.8 балл, ўтириш ҳолатида- -2.2 балл, туриш ҳолатида-1.7 балл, уйку-1.5 баллни, жинсий ҳаёт-1.3 балл, ижтимоий ҳаёт-1.4 балл ва кўчишда-1.4 баллни ташкил этди ($P < 0,05$) (3-расм).



3-расм. Операциядан 3 ойдан кейинги даврда неврологик ўзгаришлар тикланган беморларда Oswestry ногиронлик индекси (балл)


Операциядан кейинги 102 та (64%) беморда Oswestry ногиронлик индексида баллларда операциядан олдинги даврга нисбатан деярли ўзгариш бўлмади. Ушбу беморларда ҳаёт сифати яхшиланмаган (4-расм).



4-расм. Операциядан 3 ойдан кейинги даврда неврологик ўзгаришлар сақланган беморларда Oswestry ногиронлик индекси (балл)

Бундан ташқари, кучли оғриқ, ҳаёт сифатининг пасайиши беморларда турли хил психо-эмоционал ўзгаришлар билан бирга келади. Шунинг учун 150 та беморда HADS шкаласи буйича хавотир ва депрессияни ҳолати таҳлил қилинган. HADS шкаласида 150 та беморда операциядан олдинги даврда ўртача балл хавотир булими учун 16.2 балл, депрессия булими учун 11.4 баллни ташкил қилди. Операциядан кейинги даврда эса 102 та беморда хавотир даражаси 14.5 баллни, депрессия даражаси эса 9.7 баллни ташкил қилган. 48 та беморда эса хавотир 7.6 баллни, депрессия 6.8 баллни кўрсатган ($P < 0,05$). Ушбу шкалада ҳам операциядан олдинги даврдагига нисбатан операциядан кейинги даврдаги беморларнинг 48 нафариди ахамиятли даражада ижобий натижалар кайд этилган (5-расм).

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида эса нейрофизиологик ва нейровизуал текшириш усуллари операциядан олдин ва операциядан кейинги натижаларига кўра ўзгаришларнинг муолажалардан олдинги солиштирма таҳлили баён қилинган.



5-расм. Операциядан олдин ва операциядан кейинги HADS шкаласини балларда ўзгариши.

Барча 150 та беморларнинг МРТ тасвирлари таҳлил қилинган. Баҳоланган диск бўшлиғига хос бўлган МРТ хусусиятларига чурра тури (бўшлик, протрузия, экструзия ва секвестрация), диск баландлиги, марказий Т2 сигнали, Т2 чурраси сигнали, марказий Т1 сигнали, Т1 чурраси сигнали ва Пфиррманн даражаси кирган. Жараёнга баҳо бериш қуйидаги мезонлар ёрдамида амалга оширилган: диск баландлиги, агар у кейинги таъсирланмаган дискнинг баландлигига тенг ёки ундан катта бўлса, нормал деб ҳисобланган. Интервертебрал дискнинг марказий қисми ички 80%, чурралаи диск эса ташқи 20% деб белгиланган. Т2даги ғайритабиий марказий сигнал энг кўп таъсирланмаган диск (одатда Th11-12, Th12-L1 ёки L2-3) билан солиштирганда, сигналнинг ортиши ёки камайиши сифатида баҳоланган. Марказий интенсивлик кўрсаткичи Пфиррманн таснифи ёрдамида кўшимча таснифланган. Диск чурралари билан боғлиқ бўлган бошқа МРТ хусусиятлари ҳам кўриб чиқилди: нерв илдизининг сиқилиши, эндплате ўзгариши (Модик), фасет дегенерациясининг мавжудлиги ва ligamentum flavum гипертрофияси >5,0 мм). Диск чуррасининг МРТ хусусиятларини солиштирганда, гуруҳлар ўртасида диск баландлиги шкаласида ҳам, марказий Т2 сигналида ҳам, Т2 чурраси сигналида ҳам, Т1 чурраси сигналида ҳам сезиларли фарқлар йўқ эди.

Диск L4-5 ва L5-S1 94% ҳолларда таъсирланган. Барча беморларда ВАШ кўрсаткичи 7 баллдан юқори бўлган. 150 та беморни МРТ натижаларига кўра 4 та гуруҳга булинди: 1-гуруҳ: 64 бемор 10 ммдан катта бўлган чурралар, 2-гуруҳ: 42 та бемордан 10 ммдан кичик диск чурраси мавжуд, 3-гуруҳ: 34 та 2 ва ундан ортиқ чурраси бор беморлар, 4-гуруҳ: секвестри бор бўлган 10 та бемор.

Беморларнинг 100 фоизида турли даражадаги 1 дан 3 даражагача диск дегенерацияси борлиги аниқланган. Бел умуртқалари диск чурраларидаги операциядан кейинги МРТ натижалари эрта (операциядан кейинги 3-кун) ва кеч (операциядан кейинги 3 ой) текширувларга бўлинган. Дастлабки МРТ текширувида диск чурраси жойида эпидурал тўқималарнинг операциядан

кейинги 24 та беморда операциядан олдинги натижаларни (псевдо-чурра) кўрсатган. Ушбу 24 та беморнинг 20 нафари операциядан сўнг дарҳол жуда яхши клиник ўзгаришларни кўрсатди. Кечки МРТ ушбу 24 та беморнинг 12 тасида эпидурал тўқималар ҳажмининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатган.

Барча 150 та беморлар операциядан олдин ва операциядан кейин ЭНМГ (электронеуромиография) текширувидан ўтказилган. Диск чурраси булган, яъни нерв илдизчасида қисилиш бўлганда, ЭНМГ да латент фаза узоқ вақт давом этади, амплитуда ва тезлик пасаяди. Операциядан кейин эса қисилиш бартараф этилганлиги учун латент фаза қисқаради, амплитуда ва тезлик ошади. Стимуляция нуқтасидан қатъий назар нормал амплитуда 5.0 мВ ва нормал тезлик 40.0 м/с ни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Операциядан олдинги даврдаги беморларнинг ЭНМГ кўрсаткичлари.

№	Стимуляция нуқтаси	Масофа, мм	Лат м/с	Ампл мВ	Норм ампл мВ	Тезлик м/с	Норм тезлик м/с
Dex: n. Abductor hallucis, n.Tibialis, l4 L5 S1							
1	Болдирни медиал соҳаси	70	18.1	2,3	5.0	32,1	40,0
2	Тизза ости чуқурчаси	400	29.9	2,8	5.0	31.9	40,0
Sin: n. Abductor hallucis, n.Tibialis, l4 L5 S1							
3	Болдирни медиал соҳаси	70	27.3	2,1	5.0	33,4	40,0
4	Тизза ости чуқурчаси	400	24,5	3,4	5,0	34,6	40,0
Dex: n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus, l4 L5 S1							
5	Тарсус	80	34.7	2,2	5.0	34,4	40,0
6	Кичик болдир суяги боши	220	4,5	1,5	5.0	32,3	40,0
7	Тизза ости чуқурчаси	100	5.9	2,6	5.0	33,6	40,0
Sin: n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus, l4 L5 S1							
8	Тарсус	70	24,6	3,2	5.0	34,2	40,0
9	Кичик болдир суяги боши	220	4,7	2,8	5.0	36,1	40,0
10	Тизза ости чуқурчаси	100	10,7	3,1	5.0	35,7	40,0

n. Abductor hallucis, n.Tibialis нервларини ўнг томондан текширганда, болдирни медиал соҳасида:латент фаза 18.1 м/с, амплитуда 2.3 мВ ва тезлик 32.1 м/с ни, тизза ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 29.1 м/с, амплитуда 2.8 мВ ва тезлик 32.9 м/с ни ташкил этди.

n. Abductor hallucis, n.Tibialis нервларини чап томондан текширганимизда эса болдирни медиал соҳасида:латент фаза 27.3 м/с, амплитуда 2.1 мВ ва тезлик 31.9 м/с ни , тизза ости чуқурчасида: латент фаза 24.5 м/с, амплитуда 3.4 мВ ва тезлик 34.6 м/с ташкил этган.

n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus нервларини ўнг томондан текширганда, тарсус соҳасида: латент фаза 34.7 м/с, амплитуда 2.2 мВ ва тезлик 34.4 м/с ни ташкил қилган бўлса, кичик болдир суяги боши соҳасида: латент фаза 4.5 м/с, амплитуда 1.5 мВ ва тезлик 32.3 м/с, тизза ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 5.9 м/с, амплитуда 2.6 мВ ва тезлик 33.6 м/с бўлди.

n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus нервларини чап томондан текширганда эса, тарсус соҳасида: латент фаза 24.6 м/с, амплитуда 3.2 мВ ва тезлик 34.2 м/с ни ташкил қилди, кичик болдир суяги боши соҳасида: латент фаза 4.7 м/с, амплитуда 2.8 мВ ва тезлик 36.1 м/с, тизза ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 10.7 м/с, амплитуда 3.1 мВ ва тезлик 35.7 м/с ни ташкил этди.

2-жадвал.

Операциядан кейинги даврдаги беморларнинг ЭНМГ кўрсаткичлари.

№	Стимуляция нуктаси	Масофа, мм	Лат м/с	Ампл мВ	Норм ампл мВ	Тезлик м/с	Норм тезлик м/с
Dex: n. Abductor hallucis, n.Tibialis, l4 L5 S1							
1	Болдирни медиал соҳаси	70	15.1	3,9	5.0	36,5	40,0
2	Тизза ости чуқурчаси	400	21,2	4,1	5.0	37,6	40,0
Sin: n. Abductor hallucis, n.Tibialis, l4 L5 S1							
3	Болдирни медиал соҳаси	70	22,23	3,8	5.0	36,5	40,0
4	Тизза ости чуқурчаси	400	19,1	4,7	5.0	36,9	40,0
Dex: n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus, l4 L5 S1							
5	Тарсус	80	39,1	3,9	5.0	37,8	40,0
6	Кичик болдир суяги боши	220	3,4	3,5	5.0	36,5	40,0
7	Тизза ости чуқурчаси	100	5.9	4,2	5.0	37,6	40,0
Sin: n. Extensor digitorum brevis, n.Peroneus, l4 L5 S1							
8	Тарсус	80	39,1	3,9	5.0	37,8	40,0
9	Кичик болдир суяги боши	220	3,4	3,5	5.0	36,5	40,0
10	Тизза ости чуқурчаси	100	5.9	4,2	5.0	37,6	40,0

Операциядан кейинги даврдаги ЭНМГ кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган ва ушбу кўрсаткичлар операциядан олдиги даврдаги ЭНМГ кўрсаткичларидан фарқ қилади. 2-жадвалда кўрсатилганидек, n. Abductor hallucis, n.Tibialis нервларини ўнг томондан текширганда, болдирни медиал соҳасида: латент фаза 15.1 м/с, амплитуда 3.1 мВ ва тезлик 36.5 м/с ни, тизза

ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 21.2 м/с, амплитуда 4.1 мВ ва тезлик 37.6 м/с ни ташкил этди. n. Abductor hallucis, n. Tibialis нервларини чап томондан текширганимизда эса болдирни медиал соҳасида: латент фаза 22.2 м/с, амплитуда 3.8 мВ ва тезлик 36.5 м/с ни, тизза ости чуқурчасида: латент фаза 19.1 м/с, амплитуда 4.7 мВ ва тезлик 36.9 м/с ташкил этиб, статистик жихатдан ахамиятли фаркка эга эмас эди.

n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus нервларини ўнг томондан текширганда, тарсус соҳасида: латент фаза 39.1 м/с, амплитуда 3.9 мВ ва тезлик 37.8 м/с ни ташкаил қилган бўлса, кичик болдир суяги боши соҳасида: латент фаза 3.4 м/с, амплитуда 3.5 мВ ва тезлик 37.8 м/с, тизза ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 5.9 м/с, амплитуда 3.5 мВ ва тезлик 36.5 м/с бўлди.

n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus нервларини чап томондан текширганда эса, тарсус соҳасида: латент фаза 39.1 м/с, амплитуда 3.9 мВ ва тезлик 37.8 м/с ни ташкаил қилди, кичик болдир суяги боши соҳасида: латент фаза 3.4 м/с, амплитуда 3.5 мВ ва тезлик 36.5 м/с, тизза ости чуқурчаси соҳасида: латент фаза 5.9 м/с, амплитуда 4.2 мВ ва тезлик 37.6 м/с ни ташкил этди.

Диссертациянинг **“Операциядан кейинги даврда бел-думғаза диск чурралари бўлган беморларда оғриқ синдромлари ва неврологик касалликларни комплекс даволаш”** деб номланган тўртинчи бобида чоратадбирлари келтирилган ва даво муолажаларининг самарадорлигини баҳолаш учун гуруҳлар орасида қиёсий таҳлил олиб борилган.

Илмий изланишнинг ушбу бўлимида юқорида айтиб ўтилган неврологик ўзгаришлари сақланиб қолган 102 та (68%) беморлар орасида консерватив даво усули олиб борилган ва операциядан кейинги 6 ой ва 12 ой давомида солиштирма таҳлиллар амалга оширилган. Ушбу беморларга стандарт давога қўшимча биз тадқиқотимизда тавсия этаётган даволаш усулини ҳам тадбиқ этилган. Ушбу даволаш усули таркибига Нейро В12 препарати билан паравертебрал блокада, физиотерапия муолажаларидан бел соҳасига квант – терапия ва психо-эмоционал ҳолатни турғунлаштириш учун антидепрессант препарати (сератонинни қайта боғлаб олиш ингибиторлари) кирган. Тадқиқотнинг самарадорлигини баҳолаш учун юқорида айтилган 102 та беморлар 2 та гуруҳга, яъни асосий (стандарт даво усулига қўшимча тавсия этилган терапия) ва қиёсий (фақатгина стандарт терапия қўлланилган) беморлар гуруҳига ажратилган. Асосий гуруҳга 69 та (67,6%) бемор ва қиёсий гуруҳга 33 та (32,4%) бемор киритилган. Иккала гуруҳдаги беморлар даволаш усулларида сўнг қайта ВАШ, Oswestry ногиронлик индекси ва HADS шкаллари орқали текшириб, клиник-неврологик ва психо-эмоционал ҳолати баҳоланган.

Даволаш курсидан кейин асосий гуруҳдаги беморларда операциядан 6 ой ўтгандан кейин ВАШ шкаласи бўйича оғриқ даражаси текширилганда, ҳаракатда 5,4 баллни, тик турганда 5,5 баллни ва ўтирганда 5,8 баллни ташкил қилган. Холбуки, қиёсий гуруҳда эса оғриқ даражаси ҳаракатда 6,7 баллни, тик турганда 5,3 баллни ва утирганда 5,7 баллни ташкил қилган. 1 йилдан кейин эса ВАШ шкаласи бўйича текширилганда асосий гуруҳдаги

беморларда ҳаракатдаги оғриқ 2,1 баллни, тик турганда 1,9 баллни ва утирганда 1,8 баллни ташкил қилган бўлиб, ахамиятли натижаларни кўрсатган ($P < 0,01$). 1 йилдан кейин қиёсий гуруҳдаги беморларда ҳаракатдаги оғриқ 5,6 балл, тик турганда 4,9 баллни ҳамда ўтирганда 5,5 баллни ташкил қилган булиб, статистик ишончлилик аниқланмади (3-жадвал).

3-жадвал

Беморнинг ҳолатига қараб, ВАШ бўйича бел оғриғи кўрсаткичларининг ўзгариши. n=102


Бел оғриғи		6 ойдан кейин	1 йилдан кейин
ҳаракатда	Асосий гуруҳ (n=69)	5.4	2.1*
	Қиёсий гуруҳ (n=33)	6.7	5.6
тик турганда	Асосий гуруҳ (n=69)	5.5	1.9
	Қиёсий гуруҳ (n=33)	5.3	4.9
ўтирганда	Асосий гуруҳ (n=69)	5.8	1.8**
	Қиёсий гуруҳ (n=33)	5.7	5.5

Изоҳ: * Ўтирганда бел оғриғидан сезиларли даражада юқори (жуфтланган t-тест, $t(64) = 1,997, p = 0,025$)

** Ҳаракатда бел оғриғидан сезиларли даражада юқори (жуфтланган t-тест, $t(64) = 2,200, p = 0,015$)

Асосий гуруҳдаги беморларда ВАШ шкаласи бўйича кўрсаткичлар яхшиланиб, аксинча, қиёсий гуруҳда операциядан 6 ой ва 1 йил ўтгач, ҳаракатда бел оғриғи тик турган ёки утирган ҳолатга қараганда сезиларли даражада юқори бўлган (жуфтланган t-тест, $t(64) = 2,200, p = 0,015$). Шу билан бирга, ҳаракат ва ўтириш пайтида қолдиқ ВАШ бел оғриғи кўрсаткичи операциядан кейинги 1 йил ичида L_{3-4} да сезиларли даражада ошди (бир томонлама АНОВА, ҳаракат: $F = 11,87, p < 0,001$, ўтириш: $F = 6,735, p = 0,002$).


Oswestry ногиронлик индекси (ОНИ) ҳам дискектомиядан 6 ой ўтгандан кейин иккала гуруҳлар орасида солиштирганда асосий гуруҳда ахамиятли даражада яхшиланди ($p < 0,05$) (6-расм).



6-расм. Асосий гуруҳда тавсия этилган даврдан кейинги Oswestry ногиронлик индексининг натижалари (балларда)

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, тавсия этилган даврдан кейинги ОНИдаги ўзгаришлар асосий гуруҳдаги 69 та беморда ахамиятли ўзгаришлар қайд этилган ($p < 0,05$) бўлиб, оғрик интенсивлиги -1,9 баллни, ўзига хизмат кўрсатиш-1,7 баллни, юк кўтара олиш-1,8 баллни, юриш-1,3 балл, ўтириш ҳолатида- 1,5 балл, туриш ҳолатида-1,6 балл, уйқу-1.2 баллни, жинсий ҳаёт-1,6 балл, ижтимоий ҳаёт-1,2 балл ва кўчишда-1,5 баллни ташкил қилган. Айниқса, ўзига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг ишончилиги юқори бўлган ($p < 0,01$).


Холбуки, қиёсий гуруҳдаги беморларда эса ҳаёт сифатига таалуқли бўлган ижобий ўзгаришлар нисбатан камроқ намоён бўлди. Қиёсий гуруҳдаги беморларни операциядан 6 ойдан кейинги ОНИдаги ўзгаришларни текширганимизда, оғрик интенсивлиги -3,9 баллни, ўзига хизмат кўрсатиш-4,2 баллни, юк кўтара олиш-3.6 баллни, юриш-3,8 балл, ўтириш ҳолатида- 3,7 балл, туриш ҳолатида-3,9 балл, уйқу-4,2 баллни, жинсий ҳаёт-4,6 балл, ижтимоий ҳаёт-3,5 балл ва кўчишда-3,7 баллни ташкил этган (7-расм).



7-расм. Операциядан 6 ойдан кейинги қиёсий гуруҳда Oswestry ногиронлик индексининг натижалари (балларда).

Кузатилган барча асосий ва кирган беморлар 1 йилдан кейин ҳам ҳаёт сифатини баҳолаш учун қайта Oswestry ногиронлик индекси буйича текширувлардан ўтказилди ва натижаларга биноан асосий гуруҳдаги беморларда ҳаёт сифати 6 ойдан кейинги натижаларга нисбатан деярли тўлиқ яхшиланди ($p < 0,01$).

Бундан ташқари иккала гуруҳлардаги беморларни психо-эмоционал ҳолатини баҳолаш учун HADS шкаласини 6 ойдан сўнг қайта текширилган (8-расм). HADS шкаласида асосий гуруҳдаги 69 та беморда тавсия этилган даврдан сўнг, ўртача балл хавотир (5.6 балл) ва депрессияда (4.8 балл) ахамиятли даражада пасайган ($p < 0,05$).



8-расм. Операциядан 6 ой ва 1 йилдан кейинги асосий ва қиёсий гуруҳдаги HADS шкаласидаги ўзгаришлар.

Қиёсий гуруҳдаги 33 та беморда эса хавотир (13.2 балл) ҳамда депрессия (11.5 балл) кўрсаткичлари ахамиятли ўзгаришларни курсатмаган. Шу беморларни 1 йилдан сўнг HADS шкаласи билан текширганда, асосий гуруҳдаги 69 та беморда хавотир даражаси 3.2 балл, депрессия даражаси 2.8 баллни ташкил қилган ($p < 0,05$). Қиёсий гуруҳдаги 33 та беморда хавотир 11.4 баллни, депрессия эса 10.7 баллни ташкил этган (8-расм).

Юқоридаги текширувлардан ташқари асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморлар операциядан 6 ой ва 1 йилдан кейин ЭНМГ (электронейромиография) текширувидан ўтказилган. Асосий гуруҳдаги беморларда тавсия этилган даводан кейинги ЭНМГ ўзгаришлари ахамиятли даражада ижобий кўрсаткичларни кўрсатган ($p < 0,01$) (4-жадвал).

4-жадвал

Тавсия этилган даводан кейинги асосий гуруҳдаги ЭНМГ кўрсаткичлари.

№	Стимуляция Нуктаси	Масо-фа, мм	Лат м/с	Ампл мВ	Норм ампл мВ	Тезлик м/с	Норм тезлик м/с
Dex: n. Abductor hallucis, n. Tibialis, L 4 -L5 -S1							
1	Болдирни медиал сохаси	70	10.2	4.2	5.0	37.5	40,0
2	Тизза ости чуқурчаси	400	13.9	4.8	5.0	39.1	40,0
Sin: n. Abductor hallucis, n. Tibialis, L 4 -L5 -S1							
3	Болдирни медиал сохаси	70	14.5	4.6	5.0	39.4	40,0
4	Тизза ости чуқурчаси	400	13.4	4.9	5,0	39.7	40,0
Dex: n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus, L 4 -L5 -S1							
5	Тарсус	80	25.3	4.6	5.0	39.8	40,0
6	Кичик болдир суяки боши	220	2.5	4.7	5.0	39.6	40,0
7	Тизза ости чуқурчаси	100	3.2	4.9	5.0	38,7	40,0
Sin: n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus, L 4 -L5 -S1							
8	Тарсус	70	12,6	4.9	5.0	39.9	40,0
9	Кичик болдир суяки боши	220	2.1	4.8	5.0	39.8	40,0
10	Тизза ости чуқурчаси	100	5,7	4.9	5.0	39.7	40,0

Операциядан 6 ойдан кейинги қиёсий гуруҳдаги ЭНМГ кўрсаткичларида ҳам ижобий томонга силжиш кузатилиб, асосий гуруҳдаги ЭНМГ кўрсаткичларидан ишончли фарқ кузатилмади (5-жадвал).

5-жадвал

Операциядан 6 ойдан кейинги қиёсий гуруҳдаги ЭНМГ кўрсаткичлари.

№	Стимуляция нуктаси	Масоф а, мм	Лат м/с	Ампл мВ	Норм ампл мВ	Тезлик м/с	Норм тезлик м/с
Dex: n. Abductor hallucis, n. Tibialis, l4 L5 S1							
1	Болдирни медиал сохаси	70	10.8	4.1	5.0	36.4	40,0
2	Тизза ости чуқурчаси	400	14.8	4.5	5.0	38.6	40,0
Sin: n. Abductor hallucis, n. Tibialis, l4 L5 S1							
3	Болдирни медиал сохаси	70	15.3	4.2	5.0	38.5	40,0
4	Тизза ости чуқурчаси	400	14.7	4.6	5,0	38.9	40,0
Dex: n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus, l4 L5 S1							
5	Тарсус	80	27.1	4.4	5.0	37.9	40,0
6	Кичик болдир суяки боши	220	3.2	4.5	5.0	38.9	40,0
7	Тизза ости чуқурчаси	100	4.3	4.6	5.0	38,9	40,0
Sin: n. Extensor digitorum brevis, n. Peroneus, l4 L5 S1							
8	Тарсус	70	13.7	4.7	5.0	38.8	40,0
9	Кичик болдир суяки боши	220	2.4	4.5	5.0	37.6	40,0
10	Тизза ости чуқурчаси	100	5.9	4.6	5.0	37.9	40,0

Шундай қилиб, кузатувда бўлган асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларга стандарт терапияга қушимча равишда тавсия этилган нейро В12, квант терапия ва антидепрессант даво усулларининг самарадорлиги 6 ой ва 12 ой давомида кузатилган. Иккала гуруҳдаги беморлар қайта ВАШ шкаласи, ОНИ шкаласи ва HADS шкалалари бўйича текширилган. Текширув натижаларига асосан, асосий гуруҳдаги беморларнинг баҳолашчи шкалалар, нейрофизиологик текширувлар бўйича натижаларининг ишончлилиги қиёсий гуруҳдаги беморларнинг натижаларига қараганда, ахамиятли даражада юқори бўлган ($p < 0,05$), бу эса тавсия этилган комплекс даво усули стандарт даво билан биргаликда қўлланилганда, ижобий самара берганлигидан далолат берган.

ХУЛОСА

1. Шкалаларнинг информативлиги (ВАШ, Oswestry шкаласи) операциядан олдин ва кейинги 3, 6 ва 12 ой давомида самарали бўлган. Операциядан олдин оғриқнинг интенсивлиги беморларнинг 90% да ВАШ бўйича 8-9 баллига етди, беморларнинг 32% да оғриқ ўткир, ҳаракатда ва ўтирганда кучаядиган характерда бўлган. Oswestry ногиронлик индексининг ўртача кўрсаткичи ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий фаолияти пасаяди ва

операциядан олдин 82,6%ни ташкил қилган ва операциядан кейин 54,5% ни ташкил қилган.

2. Операциядан кейин беморларда неврологик касалликлар динамикаси ва интервертебрал диск чуррасининг нейровизуал хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ижобий прогрессив характерга эга эди ($P \leq 0,05$ да $p = 0,9721003$).

3. Операциядан олдин HADS шкаласи бўйича психопатологик ҳолат шаклланган бўлиб, хавотир (16,2 балл) ва депрессия (11,4 балл) яққол намоён бўлди, операциядан кейинги 3 ойлик кузатувда беморлардаги хавотир (12,4 балл) ва депрессия (9.3 балл)да аҳамиятли ўзгариш кузатилмади;

4. Бел-думғаза умуртқалари диск чуррасининг операциядан кейинги даврида клиник (ВАЗ, Oswestry шкаласи), психо-эмоционал (HADS шкаласи) ва электронейромиографик натижаларига кўра, Нейро В12 билан паравертебрал блокада, квант терапия ва антидепрессант дори воситасини қўллаш натижанинг самарадорлигини оширади ($p < 0,05$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.04.2022.Тиб.93.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

БОЗОРОВ УКТАМ НАИМ УГЛИ

**ДИНАМИКА НЕВРОЛОГИЧЕСКИХ РАССТРОЙСТВ ПРИ
ПРЕДОПЕРАЦИОННОМ И ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОМ ЛЕЧЕНИИ
ГРЫЖ ПОЯСНИЧНО-КРЕСТЦОВОГО ОТДЕЛА ПОЗВОНОЧНИКА**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2022.1.PhD/Tib2467

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www/bsmi/uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Ходжиева Дилбар Гаджиевна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Киличев Ибодулла Абдуллаевич доктор медицинских наук, профессор Омонова Умида Тулкиновна доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Южно-Казахстанская медицинская академия (Казахстан)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 г. в ___ часов на заседании Научного совета Dsc.04/30.04.2022.Tib.93.02.при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, г.Бухара, проспект Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, веб-сайт:www/bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). (Адрес: 200118, г.Бухара, проспект Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, веб-сайт:www/bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 год.

(Протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2023 года)

Д.И.Туксанова
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Г. А. Ихтиярова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) встречаемость грыжами дисков в мире составляет 2%. Грыжа диска поясничного отдела позвоночника является наиболее распространенной среди грыж всех отделов позвоночника (150 случаев на 100 000 населения в мире и 14 случаев на 100 000 населения в Узбекистане). В 48% случаев грыжи возникают в области L5-S1, в 46% случаев в области L4-L5, только 6% случаев соответствуют грыжам дисков в других отделах позвоночника. Согласно данным, предоставленной исследователями, "...отмечается, что в сегодняшние дни среди всех хронических заболеваний, наблюдаемых у населения, с годами увеличивается поражение различных степеней грыжи межпозвонкового диска..."³. Поэтому ранняя диагностика и эффективное лечение грыж позвоночника у разных слоев населения, совершенствование системы диагностики и лечения даже после оперативного вмешательства является одним из важнейших вопросов современной медицины.

В мире полученные результаты хирургического лечения дискогенных корешковых синдромов не исключают вероятности рецидива заболевания, потому что, даже если декомпрессия сосудисто-нервного пучка является очень важным патогенетическим механизмом заболевания, она лишь устраняет фактор механической компрессии, но не устраняет патологических сдвигов в ряде функциональных систем, которые вовлечены в данный процесс; следовательно, в неблагоприятных условиях существуют реальные возможности его активизации. Поэтому проводится ряд научных исследований по совершенствованию послеоперационного лечения и особое значение имеют научные исследования по совершенствованию диагностики и лечения неврологических изменений, сохраняющихся после операции.

В нашей стране реализуются комплексные и масштабные программы раннего выявления, качественной диагностики и лечения нервных болезней, в частности это считается одной из основных задач современной системы здравоохранения. Определены такие задачи как, «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации, поддерживая здоровый образ жизни и предотвращая заболевания такие задачи, как профилактика...»⁴.

Исследование данной диссертации основанное на Указе Президента Республики Узбекистан № ПП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-5124 от 25 мая 2021

³Fjeld OR, Grøvre L, Helgeland J, Småstuen MC, Solberg TK, Zwart JA, Grotle M. Complications, reoperations, readmissions, and length of hospital stay in 34 639 surgical cases of lumbar disc herniation. BoneJointJ. 2019 Apr;101-B(4):470-477.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 "О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы".

года «О мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и УП-215 от 25 апреля 2022 г. «О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг» связанных с данной деятельностью, служит в определенной степени реализации задач, определенных в иных нормативных правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по разделу VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В последующие годы проводятся различные уровни научных исследований по оперативному и консервативному лечению грыж дисков позвоночника. По результатам исследований многих ученых процессы, развивающиеся после операции, а также ортопедические и воспалительные осложнения снижают эффективность оперативного лечения (Sebastian Ruetten, 2018, MustafaI., Al Qaraghli, 2023) и способствует формированию хронического болевого синдрома, тем временем усложняет восстановительные процессы (Dower A., Chatterji R., Swart A., Winder M.J., 2016).

Другие ученые исследовали неврологические изменения, наблюдаемые после эндоскопической интерламинарной и трансфораминальной дискэктомии по поводу грыжи поясничного отдела позвоночника (Габечия Г.В., 2019). В свою очередь, Горнаева Л.С., Румянцева Г.Н. (2020) обсудили особенности и главные аспекты хирургического лечения грыжи поясничного отдела позвоночника. Многие авторы в своих научных работах глубоко изучили послеоперационные осложнения грыжи поясничного отдела позвоночника, факторы риска развития рецидива грыжи, разработали лечебно-реабилитационные мероприятия (О. Н. Древаль, А. В. Кузнецов, 2021).

